ДИҚҚАТ, ОБУНА БОШЛАНДИ!

Биз нафасини ҳис этиб турган XXI аср ўз табиати, хусусият ва фазилатлари билан фикримизни чархламоқда. Негаки, буюк Ватанимиз янги асрга бутунлай янги, навқирон бўй-баст билан, озод, эркин руҳ билан кириб бормоқда.

XXI аср ахборот асри бўлади. Янги асрда одамлар сув, ҳаво ва нонга эҳтиёж сезгандек, ахборотга ҳам муҳтожлик сезадилар. XXI аср — ахборотни кўп эгаллаган кишининг асри. Бундан кейин курашларда қурол — қалқони эмас, ахбороти зўр одам муваффар келади. Киши дунё сир-синоатидан қанча бохабар бўлса, шунча қудратлидир.

Доим ғолиб, ҳар нарсадан хабардор бўлай десангиз, «Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталарига обуна бўлинг. У ҳозир мамлакатимизда чоп этилаётган газеталар ичида энг оммавий нашрлардан биридир. Унда оддий ва ғайриоддий ахборотлардан тортиб, ижтимоий-сиёсий ҳодисаларнинг таҳлилигача бўлган салмоқли мақолаларни ўқийсиз. Улар сизнинг ақлингизни пешлайди. Саҳифаларда ўз маҳалла ёки қишлоғингиз, туман ёки вилоятингиз ҳаётидаги воқеалар билан танишасиз. Нафақат мамлакат, балки Марказий Осиё минтақаси, Шарқ ёки Ғарб дунёсидаги янгиликлардан хабардор, турли давлат арбоблари, таниқли сиёсатчилару эларо машҳур кишиларнинг долзарб мавзулардаги чиқишларидан баҳраманд бўласиз.

Газетамизни мунтазам ўқиб борсангиз, тарихимиз, шу кунимиз ва келажагимиздан хабардорлигингиз ортади, сиёсий фаоллигингизни оширувчи ҳуқуқ ва бурчингизни чуқурроқ ўрганасиз.

Ишингиз юришиб кетишига имкон берувчи реклама ва билдирувларни «Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» саҳифаларидагина ўқий оласиз.

Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлиги тизимидаги матбуот тарқатиш бўлинмаларида «Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана»га обуна расмийлаштириш бошланди.

Нашр индекси:
Якка тартибда обуна бўлувчилар учун — 220.
Корхона ва ташкилотлар учун — 221.

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1997 йил 4 октябрь, шанба № 116 (22.200).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

ВАТАН ХАРИТАСИ

** Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига биноан Ватанимиз обрўсини, шон-шуҳрати ва шарафини юксалтириш йўлидаги катта хизматлари ҳамда жаҳон миқёсида эришган улкан ютуқлари учун шахмат бўйича халқаро гроссмейстер Рустам Машкурович Қосимжонова «Ўзбекистон белгиси» кўкрак нишони берилди.*

** Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институтида «Марказий Осиё: тараққиёт истиқболлари ва жаҳон иқтисодиётига интеграциялашув» мавзуида конференция бўлиб ўтди.*

** Тошкент вилояти Ўрта Чирчиқ туманидаги «Қорасув» пахта тозалаш заводи янги ҳосилни қайта ишлаб, 500 тонна толани Швейцария ва Нидерландияга жўнатди.*

КЕЛАЖАК ОЛДИДАГИ МАСЪУЛЛИК

Шукрона

Қадрли Ислом Абдуғаниевич!

Ҳаётимизда биринчи маротаба Ўқитувчилар ва мураббийлар куни миллий байрам сифатида нишонланди. Шу муносабат билан она-Ватаннинг юксак мукофотларига сазовор бўлган халқ таълими ходимлари орасида биз ҳам борлигимиздан беҳад хурсандмиз.

Аввало, камтарона меҳнатимиз шундай қадрланаётгани учун чин дилдан миннатдорлик билдиришни истаймиз.

Мустақилликнинг дастлабки йилидан маърифат аҳлига алоҳида ғамхўрлик кўрсатиб келинмоқда. Давлат уйларимизни хусусийлаштиришда тенгсиз қулайлик яратди, уй-жой қуриш учун ер ажратилди, иш ҳақимиз ошмоқда, коммунал, транспорт хизмати ва бошқа соҳаларда имтиёзларга эгамиз. Ўқитувчилар ва мураббийлар кунининг умумхалқ байрамига айланиши эса маърифат аҳлига давлатимиз ва халқимиз эҳтироми ошаётганидан далолат беради.

Биз Олий Мажлиснинг тўққизинчи сессиясидаги сермазмун нутқингизни, «Таълим тўғрисида»ги Қонун ҳамда «Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастур»ни республикамизда таълим тизимини ислоҳ қилиб, уни давр талаблари асосида юксалтириш сари ташланган дадил қадам, муҳим бурилиш деб биламиз.

Халқимиз том маънодаги янги жамият қуришга киришди. Бу жамиятга янгича дунёқараш, онг-шуур ва тафаккурга эга, чинакам маърифатли ва маънавиятли авлод керак. Таълим тизимини ислоҳ қилишдан кўзланган мақсад ҳам ана шу авлодни тарбиялашдан иборат. Дастур яратилди. Энди уни амалга ошириш — ҳаётга татбиқ этиш лозим. Бу биз — таълим-тарбия ходимлари олдига улкан вазифалар қўяди. Чунки Ўзбекистонимизнинг келажаги нечоғлик буюк бўлиши навқирон авлод камолоти, уларнинг маънавий дунёси нақадар бой бўлишига, таълим-тарбияга боғлиқ.

Бу келажаги буюк ватанимизга янгича тафаккурли, янги дунёқарашга эга муносиб ворисларни тайёрлаб беришни талаб қилмоқда. Айни чоғда биз ҳам ана шу янгича ўқувтарбия усуллари ва услубларини эгаллаб боришимиз, қунт билан ишлашимиз зарурлигини дилдан ҳис этаяпмиз.

Бу эзгу йўлда бутун билимимиз, иқтидоримиз, меҳнатимизни аямаймиз. Ватан равнақи, навқирон авлоднинг ёрқин келажаги учун бутун куч ва имкониятларимизни ишга соламиз. Барча ҳамкасбларимизни шунга даъват этамиз. Чунки мамлакат ва халқ тақдири ўз қўлимизда бўлган бугунги кунда ҳар бир муаллим ва мураббий келажак учун масъул эканини ҳис этиб меҳнат қилиши зарур.

Бир гуруҳ халқ таълими ходимлари.
Тошкент вилояти.

БУХОРОДА «ҚОВУН САЙЛИ»

Қадриятларимиз

Кузнинг оромбахш тунида полизда ухлаганмисиз? Субҳидамда кенг пайкалнинг қайси бир томонидан қовунларнинг тарс-тарс ёрилган товушини эшитганмисиз ёки унинг ҳузурбахш ҳидидан қониб-қониб тўйганмисиз? Бундай ҳаловатдан кўнгил баҳра олсин десангиз полизга ошиқинг!

Бухоронинг қоқ маркази — Имом ал-Бухорий хиёбонида ўтказилган «Қовун сайли» худди юқоридаги ажиб манзарани касб этди. Икки кун давомида тилими тилни ёрар қовунлар ҳиди бутун шаҳар осмонини забт этиб турди. Қовунчилар эса ўзаро тажриба алмашдилар.

— Аслини айтадиган бўлсак, — дейди биз билан суҳбатда шу соҳанинг жонкуяри, қишлоқ хўжалик фанлари номзоди Ҳожиқурбон Ҳайитов, — йил бошидан бу байрамга ҳозирлик кўрилди. Барча жамоа хўжаликларида қовунларнинг 60 хил нави экилганди. Мана, бугун Бухоро қовунлари ҳамманинг кўз ўнгида намоён.

Бухоронинг «Шерози», «Гулоби», «Бекзоди», «Амири», «Темиртирноқ» каби ўнлаб қовун навлари оламаро машҳур.

— Хайриятки, — дейди Ғиждувон туманидаги Файзулла Хўжаев номли жамоа хўжалиги пудратчиси Исоқ ота Шаропов,— қовунчилик ҳам изга тушяпти. Оиламиз билан ҳар йили қовун экамиз. Биз, айниқса, қовуннинг «Темиртирноқ» навини экамиз. Бунинг хосияти кўп. Биринчидан уни май ойигача сақлаш мумкин. Узингиз биласиз баҳорда ингичка узилиб, йўғон чўзиладиган давр. Шунда инсонга шифобахш қовун даркор!

Дарвоқе, 63 ёшли бу отахон сайлдан қуруқ қайтмади. Унга вилоят ҳокимининг фахрий ёрлиғи, чет элда ишлаб чиқарилган магнитафон берилди. Бухоро туманидаги «Чорбакр» жамоа хўжалиги пудратчиси Рамазон Рашидов ҳам отаҳондан қолишмади. Улар Бухоро қовунлари шуҳратини қайта тиклаш имкони борлигини амалда намойиш этдилар. Биргина бу миришкорлар етиштирган қовунлар эмас, балки, Ромитон туманидаги «Қизилравот», Пешку туманидаги Йўлдош Эргашев номли, Вобкент туманидаги Мурод Журабоев номли, Қоровулбозор туманидаги «Дўстлик» жамоа хўжаликлари полизкорлари меҳнатига юқори баҳо берилди. Улар рангли телевизор, совутгичлар билан тақдирландилар.

Вилоятда соҳа ривожига эътибор берилаётганини янгидан «Бухоро қовунлари» фирмаси ташкил этилганлигидан, ҳам билса бўлади. Фирма жамоаси ўз атрофига машҳур қовунчиларни жипслаштириб, азалдан Бухорода етиштирилган қуҳна турлар навларини излаб топиш ва қовун навлари турини 90 тага етказишмоқчи.

Даврон БАҲРОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

БУ ДУНЁНИНГ ИШЛАРИ

☑ Дунёга машҳур миллиардер Тед Тернер БМТни қўллаб-қувватлаш хайрия жамғармаси фойдаси учун бошқа бойваччалар ҳам ўз даромадларининг бир қисмидан воз кечишларини тарғиб этади. Ўтган йилнинг ўзида америкалик миллиардерлар сафи 35 нафарга кўпайди. Ҳозирги кунда АҚШдаги миллиардерлар сони 170 дан ошади. Бу сафнинг бошида «Майкрософт» корпорацияси бошлиғи Билл Гейтс туради. Унинг даромади ўтган йили ҳафтасига 400 миллион долларга кўпаяётган эди. Жами сармояси эса 40 миллиард долларга етади. Иккинчи ўринда инвестиция бизнеси билан шуғулланувчи Уоррен Баффетт туради. Унинг жами сармояси 21 миллиард долларни ташкил этади.

* * *

☑ Хитой бош вазири Ли Пэн Каспийдаги Узень конини ўзлаштириш бўйича Қозоғистон билан шартномага имзо чекди. Бундан ташқари бошқа бир қатор ҳужжатлар ҳам имзоланган. Хитой ва Қозоғистон ўзаро 9,5 миллиард долларлик қурилиш ишларини амалга оширмоқчи.

* * *

☑ Волгоград вилояти Волжск шаҳридаги 76-мактабнинг уч мингдан ортиқ ўқитувчилар жамоаси номаълум муддатгача иш ташладилар. Натижада шаҳар мактабларининг 30 мингдан ортиқ ўқувчилари ўқимаяпти.

* * *

☑ «Ростов» ҳарбий-спорт клубига қарашли «Як-42» спорт самолёти машқлар чоғида ҳалокатга учради. Икки киши, жумладан клуб раҳбари подполковник Шикадо ҳам ҳалок бўлган. Парвоз қоидасига риоя этилмагани учун ҳалокат рўй берган, дея тахмин қилинмоқда. Тергов ишлари давом этмоқда.

Обуна мавсумини уюшқоқлик билан ўтказайлик

ЎЗБЕКИСТОН ХДП ТАШКИЛОТЛАРИ ВА ФАОЛЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Сиёсий ижроия қўмитаси ўзининг 30 сентябрда қабул қилган **«Ўзбекистон ХДП ташкилотларининг матбуот нашрларига 1998 йил учун обунани ўтказиш бўйича вазифалари тўғрисида»**ги қарорида ушбу муҳим сиёсий вазифани юксак савияда бажаришнинг чоратадбирларини белгилади. Улар орасида даврий нашрларга обунани уюшқоқлик билан ўтказиш бўйича топшириқларни бажаришда энг юқори натижаларга эришган партия маҳаллий кенгашлари ва фаолларини маънавий ва моддий рағбатлантириш чоралари ҳам бор.

Қарорда илғорларни тақдирлашнинг қуйидаги шаклари кўзда тутилган:

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКА, ВИЛОЯТЛАР ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР ПАРТИЯ КЕНГАШЛАРИ УЧУН

Битта биринчи ўрин. Биринчи ўринни эгаллашга муяссар бўлган партия кенгаши Ўзбекистон ХДП МК Фахрий Ёрлиғи ва биринчи пул мукофоти билан тақдирланади.

Битта иккинчи ўрин. Иккинчи ўринга чиққан партия кенгашига Ўзбекистон ХДП МК Фахрий Ёрлиғи ва иккинчи пул мукофоти топширилади.

Битта учинчи ўрин. Учинчи ўринни эгаллаган партия кенгашига Ўзбекистон ХДП МК Фахрий Ёрлиғи билан бирга учинчи пул мукофоти берилади.

ПАРТИЯ ШАҲАР ВА ТУМАН КЕНГАШЛАРИ УЧУН

Иккита биринчи ўрин. Биринчи ўринга муяссар бўлган шаҳар (туман) партия кенгашига Ўзбекистон ХДП МК Фахрий Ёрлиғи билан бирга биринчи пул мукофоти топширилади.

Иккита иккинчи ўрин. Иккинчи ўринни эгаллаган шаҳар (туман) партия кенгашига Ўзбекистон ХДП МК Фахрий Ёрлиғи ва иккинчи пул мукофоти берилади.

Иккита учинчи ўрин. Учинчи ўринга муяссар бўлган шаҳар (туман) партия кенгаши Ўзбекистон ХДП МК Фахрий Ёрлиғи ва учинчи пул мукофоти билан тақдирланади.

ПАРТИЯ ФАОЛЛАРИ УЧУН

Ўзбекистон ХДП даврий нашрларига обунани уюштиришга шахсан катта ҳисса қўшган партия фаолларига, обуна мавсуми якунлангандан кейин, Марказий Кенгаш Ташаккурномаси ва эсдалик совғалари топширилади.

***

МК Сиёсий ижроқўми Ўзбекистон ХДП марказий нашрларига 1998 йил учун обунани ташкил этишда энг яхши натижаларга эришган **партия кенгашлари ва фаолларини моддий рағбатлантиришнинг шартлари ва аниқ миқдорларини** тасдиқлаб, уларни жойларга юборди.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати.

Ўзбекистон фермерлари

«ЧАШМА»ДАН 40 ЛИТР

«Чашма» Имомали Назаров раҳбарлигида 1991 йилда ташкил этилган «Умид» шахсий деҳқон-фермер хўжалигидаги зотдор сигирлардан биттаси. Ушбу хўжалик қисқа давр ичида сезиларли ютуқларга эришди. Хўжаликда дастлабки пайтданоқ қорамоллар зотини яхшилашга киришилганлиги ютуқлар омили бўляпти.

Фермер хўжалигидаги соғин сигирлар сони 40 бош бўлиб, уларнинг маҳсулдорлиги ошиб бораётир. Буни ўтган тўққиз ойлик якунларидан ҳам билса бўлади. Ҳозиргача ҳар бир сигирдан ўртача салкам 3 минг килограммдан сут соғиб олинди. Бу кўрсаткич йил охиригача 4 минг килограммга етади. Умуман эса 87 тонна сут етиштирилди.

Бир кеча-кундузда 35-40 литрга етказиб сут бераётган сигирлар ҳам бор. Фермада 15 киши ишлайди. Улар учун барча шароитлар муҳайё этилган. Чунончи, бу ерда яқинда ҳаммом қурилди. Ҳар бир ишчи 5 минг сўмдан ойлик олмоқда, бепул овқат ташкил этилган.

Фарғона вилоятининг Ўзбекистон туманидагина эмас, балки бутун мамлакатимизда довруғ солаётган «Умид» деҳқон-фермер хўжалиги миришкорлари эл дастурхонига янада тўкинлик бахш этиш учун курашмоқдалар. Уларнинг бу эзгу ишларига биз ҳам омад тилаймиз.

СУРАТДА: хўжалик раҳбари Имомали Назаров соғувчи Матлуба Мамадалиева билан.

Турғунбек МАҲКАМОВ олган сурат.

Партия ахбороти

ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАР МУҲОКАМАСИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Сиёсий ижроия қўмитаси ва Котибиятининг 30 сентябрь куни бўлиб ўтган мажлисларида партия фаолиятига доир қатор долзарб масалалар кўрилди.

«Ўзбекистон ХДП ташкилотларининг матбуот нашрларига 1998 йил учун обунани ўтказиш бўйича вазифалари тўғрисида»ги масала Сиёсий ижроқўм диққат марказида бўлди. Мажлисда таъкидланганидек, мамлакатимизда кўппартиялилик тизими шаклланиб, ғоявий-сиёсий фикрлар хилма-хиллиги чуқур илдиз ота бошлаганлиги сари партия матбуотининг аҳамияти ошиб бормоқда. Ҳозирги кунда партиянинг «Ўзбекистон овози», «Голос Узбекистана» газеталари ва «Мулоқот» журнали каби марказий ҳамда «Истиқбол сари» (Жиззах), «Олтин диёр» (Навоий), «Халқ иродаси» (Наманган), «Регистон» (Самарқанд), «Қарақалпақстан ҳаўазы», «Парвоз» (Пайариқ тумани) номли маҳаллий нашрлари минглаб нусхаларда чоп этилмоқда. Улар ўз саҳифаларида партиянинг дастурий ғоялари ҳамда амалий ишларини, Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов бошчилигидаги республика ҳукуматининг ички ва ташқи сиёсатини кенг тарғиб қилмоқдалар, мамлакатимизда ислоҳотларнинг бориши, уларда ХДП аъзоларининг иштирокини мунтазам ёритмоқдалар. Шу боис, партия журнали ҳамда газеталарини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг кенг омма орасида тарқалишига эришишда муҳим аҳамиятга эга бўлган навбатдаги обуна мавсумини, сиёсий-ташкилий жиҳатдан, юксак даражада ўтказиш ХДП барча тузилмалари ва матбуот нашрлари таҳририятлари олдида турган энг долзарб вазифадир.

Шундан келиб чиққан ҳолда, Сиёсий ижроқўм Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон республика, вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашларига 1998 йил учун партия марказий нашрларига обунани ўтказиш бўйича аниқ топшириқлар берди. Ушбу муҳим ишнинг боришини мунтазам назорат қилиш, маҳаллий партия ташкилотларига кўмаклашиш мақсадида Марказий Кенгашнинг махсус Ҳайъати ва Тезкор ишчи гуруҳи тузилиб, жойларда ҳам шундай қилиш қўйи партия ташкилотларига тавсия этилди. Шу билан бирга, обунани уюштириш бўйича топшириқларни бажаришда юқори натижаларга эришган партия кенгашларини, шунингдек, бу ишга шахсан катта ҳисса қўшган фаолларни моддий ва маънавий рағбатлантириш тартиби ҳамда шартлари тасдиқланди.

Марказий Кенгаш Сиёсий ижроия қўмитаси Ўзбекистон ХДП ташкилотлари, партия журнали ва газеталарига бу йилги обуна мавсумини уюшқоқлик билан ўтказиш билан бирга, мамлакатимизда чоп этилаётган бошқа матбуот нашрларига ҳам фуқароларнинг ёзилишларига кўмаклашадилар, деб ишонч билдирди.

Сиёсий ижроқўм томонидан **«Ўзбекистон Халқ демократик партияси Сурхондарё вилоят кенгашининг жамоат ташкилотлари ва жамғармалар билан ҳамкорлиги ҳақида»**ги масаланинг муҳокама қилиниши партиянинг ўз фаолиятида республикамиздаги турли жамоат ташкилотлари билан яхши муносабатлар ўрнатганидан далолат беради. Айни шу ҳамкорлик туфайли Сурхондарё вилоят партия ташкилоти республика Олий Мажлиси ва давлат ҳокимияти маҳаллий вакиллик идораларига бўлиб ўтган сайловларда яхши натижага эришди. У, айни пайтда, аҳолининг кам таъминланган табақаларини ижтимоий ҳимоялаш масалалари билан доимий шуғулланмоқда, маданий-маърифий, оммавий-сиёсий, тарғибий-ташвиқий тадбирларни кўплаб ўтказмоқда. Булар вилоятда ислоҳотларнинг боришига, сиёсий барқарорликни мустаҳкамлашга қўшилган жиддий ҳисса бўлиши билан бирга, партия ташкилотининг обрўйини оширишга хизмат қилмоқда. Сиёсий ижроқўм вилоят партия кенгашининг бу соҳадаги ибратли ишларини маъқуллаб, мавжуд камчиликларни бартараф этишга қаратилган тавсиялар берди.

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг дастурий ғояларини амалга ошириш, жорий вазифаларини бажариш, кўп жиҳатдан, унинг моддий имкониятларига боғлиқ. Бошқача айтганда, ўзини ўзи молиявий жиҳатдан таъминлаш асосида фаолият кўрсатувчи маҳаллий партия ташкилотлари ишларининг мунтазамлиги ва қўлами уларда маблағлар борлиги, алоқа ҳамда транспорт воситалари мавжудлиги каби масалаларга ҳам бориб тақалади. Марказий Кенгаш Сиёсий ижроқўми **Навоий вилоят партия ташкилотининг молиявий-хўжалик фаолиятини** кўриб чиқиб, унда, айрим ижобий ҳоллар билан бир қаторда, талай камчиликлар борлигини қайд этди, уларни тезда тугатиш чора-тадбирларини кўришни мутасадди кенгашдан талаб қилди.

Марказий Кенгаш Котибияти мажлисида ҳам қатор муҳим масалалар кўрилди. Чунончи, МК Ташкилий бўлимининг **«Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Инсон манфаатларини таъминлаш борасида 1997 йилда амалга ошириладиган тадбирлар дастури тўғрисида»ги қарорини ҳаётга татбиқ этишда Ўзбекистон ХДП кенгашларининг иштироки ҳақида»**ги хати муҳокама қилинди. Жойларда қилинаётган ишлар таҳлили Қорақалпоғистон республика, Андижон, Бухоро, Жиззах, Наманган, Фарғона, Хоразм, Қашқадарё вилоятлари ва Тошкент шаҳар партия кенгашларининг мазкур дастурни рўёбга чиқаришга муайян ҳисса қўшаётганликларини кўрсатди. Мажлисда ушбу йўналишдаги самарали ишлар ижобий баҳоланиб, партия ташкилотларининг эътибори мавжуд нуқсонларни бартараф этишга қаратилди.

«Ўзбекистон ХДП Наманган вилоят ташкилотларининг партиядан давлат ҳокимияти вакиллик идораларига сайланган депутатлар билан ишлаш амалиёти ҳақида»ги масала ҳам МК Котибияти мажлисига бежиз қўйилмади. Партия парламентчилик ишининг муҳим қирраси ҳисобланган ушбу жабҳада ХДП нинг мазкур ташкилоти тўплаган тажриба диққатга сазовордир. Албатта, бу борада қилинган ишлар — илк қадамлар. Уларни бойитиб бориш, такомиллаштириш барча партия ташкилотларининг муҳим вазифаси ҳисобланади.

МК Сиёсий ижроқўми ва Котибияти мажлисларида, шунингдек, партия ички ҳаётига доир бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди, уларнинг барчаси юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати.

НАЗАРИЙ СЕМИНАР МАШҒУЛОТИ

30 сентябрь куни Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши ҳузуридаги илмий-назарий семинарнинг навбатдаги машғулоти бўлиб ўтди. Халқаро экология ва саломатлик («ЭКОСАН») жамғармаси раҳбари Ю. Шодиметов семинарда «XXI аср бусағасида Марказий Осиёда экологик хавфсизликнинг долзарб муаммолари» мавзуида маъруза қилди.

Машғулотда Ўзбекистон ХДПдан республика Олий Мажлисига сайланган бир гуруҳ депутатлар, партия Марказий Кенгаши, Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти ҳамда уларга қарашли туман кенгашларининг масъул ходимлари, жамиятшунос олимлар, адиблар, партия марказий нашрлари журналистлари иштирок этдилар.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати.

Ватан остонадан бошланади, дейдилар. Ҳақ гап. Шу остона ҳам, шу тинчгина кулба ҳам, шу торгина сўқмоқ ҳам, бу ерга жамланган моддий ва руҳий гўзаллик ҳам Ватаннинг бир парчаси, ўзига хос бир ҳолатидир. Термиз аэропортидан марказга олиб борадиган миллатнинг икки буюк фарзанди Ал-Беруний, Файзулла Хўжаевлар номидаги кўчаларни қайта қурилиши, тараққиётга мос жиҳозланиши, ион чироқлари-ю, хиёбонлардаги анвойи гуллар, гўзаллик ва миллийликда бир-бири билан баҳслашиб қурилаётган янги-янги иморатлар Сурхон воҳасида бўлаётган буюк ўзгаришлардан, миллий руҳ, миллий кайфиятдаги кўтаринкиликдан далолат бериб тургандек.

Энг буюк ишлар туманларда бўляпти.

САРИОСИЁ МЎЪЖИЗАСИ

Туманнинг аксарият ҳудуди қўшни Тожикистон билан чегарадош, ери — ерига, суви — сувига туташиб кетган. Муаззиннинг овози ҳар икки томонни бирдан намозга ўйғотади. Жаннатмакон ўлка бу. Унинг кузи, айниқса, файзли, таравотли келади. Сарғайиб пишган шолизорлардан, чарақлаб очилган пахтазорлардан ўтиб борасиз, нақш олмаларнинг хушбуй атри боғларни қоплаб кетган. Ҳар биттаси чойнакдек келадиган сап-сариқ беҳилар пахсадеворлар оша мени олсанг-чи, дея кўчага осилиб туради. Поёнсиз анорзорлардаги мул ҳосилдан дилингизга қувонч, шодлик қуйилади.

Ҳоким Олий Мажлис депутати Қосимжон Холдоров билан дала айланамиз, суҳбатлашамиз. Ҳофизаси кенг, мулоҳазаси чуқур. Замонни, ўзгаришлар моҳиятини чуқур ҳис қилади. Иқтисодий билими юқори, тумандаги ҳар бир дарахт, ҳар бир қарич ер, маъраб турган ҳар бир бузоққача ҳисобда! Бу ҳисобкитоблар замирида юртининг кайфияти борлигини, келажакка ишончи уфуриб турганини шошмай тушунтиради, мисоллар келтиради.

— Вилоят ҳокимиятида бўлганимизда Сариосиё мўъжизаси ҳақида гапирдилар, — деб эслатаман.

— Юртимиздаги узбегу тожикнинг аҳиллиги, ҳамжиҳату ҳамфикрлигини назарга тутишгандир, — ўйчан жавоб қайтаради ҳоким.

— Эҳтимол.

— Деҳқонларимиздаги ерга бўлган муносабат кескин ўзгарди. Такрорий экиндан 200 миллион сўмга яқин даромад оляпмиз. Эҳтимолки, шуни назарда тутишгандир.

— Пахта-чи, пахтачилик ҳамми?

— Йилига 5-6 центнердан ўсиб боряпти.

— Ғалла ҳамми?

— Бу йил ўтган йилдагига нисбатан 50 миллион сўм ортиқроқ даромад оляпмиз.

— Боғдорчилик-чи?

— Лалми ерлардаги боғларимизга йилига 50 гектар янги боғ қўшаяпмиз.

Демакки, дея ўйлайман, хўжаликлардаги бир хил иқтисодий юксалиш ва бебаҳо ахилликни бошқаларга намуна бўлса арзийдиган мўъжиза деб баҳолабдилар.

Яна бир мўъжизани «Тоғчиён» ширкатлар уюшмаси даласида кўрдик. Макканинг 100-120 кунда пишиб етилишини билардик. Шунга ўрганган ҳам эдик. Хориждан келтирилган «Венгерка» навли макка 60-65 кунда пишиб етилибди. Гектаридан 70 центнердан дону 130 центнердан поя берибди. Сувни кам ичаркан. Пояси юмшоқ, дони тўйимли ҳам экан...

Ушбу мўъжиза ҳақидаги таассуротим, ҳайратланишим тинмасдан туриб, бир неча дақиқадан сўнг яна бир ҳайратланиш ҳолатига тушдим. Эртаклардаги афсонавий олмазор боғта бориб қолгандек бўлдим. Шоху, новдаю синчаларигача оқ, қизил, сариқ олмалар шундай текис, бежирим терилганки, она-табиатнинг бу илоҳий санъатига лол қолмай иложингиз йўқ. Болалигимда «Буви, дарахтлардаги мева қаёқдан пайдо бўлади?» деб сурасам, «Сен ухлаганингда парипшалар илиб кетади», деб тушунтирардилар бувим. Назаримда шохларга текис терилган ушбу олмаларни ҳам фаришталар териб қўйгандек.

Олмазорни забардаст ўғилларини ёнига олиб, ўшаларнинг ёрдамида Носирхон ҳожи ота яратганлар. Эшонзодалардан эканлар. Бобою бобокалонлари ҳам боғбон бўлишган экан.

— Бу навларнинг номини нима деб атайсиз? — сўраймиз Эшон бободан.

— Бор навларга ота-боболаримиздан қолган, унутилиб кетилаётган навларни ҳам қўшдик.

— Қийин бўлгандир?

— Яратган Эгам ёрдам берди.

— Лекин мўъжиза яратибсиз, отахон.

— Оллоҳнинг иймонли юртимизга қилган марҳамати бу, — шошмасдан жавоб қайтарадилар ҳожи ота.

Дарахтларнинг буйи паст, танаси ҳам унча йўғон эмас. Ҳосили 300 кг.гача экан. Ўтган йили гектаридан 25 тоннадан ҳосил йиғилган. Бу йил худонинг иноятн билан 30 тоннадан ҳосил кутишаётган экан.

— Такрор айтаман, юртимизга Оллоҳнинг иноятн бу, — дея яна такрорладилар ота.

Юртда аҳиллигу ҳамжиҳатлик бўлса ютуқлару мўъжизалар кўп бўлар экан. Бунга чиройли мисол Сариосиё тумани экан.

ҚИШЛОҚДАГИ ЙИГИТНИНГ УЧ РОМАНИ

Бу қорачадан келган, кўзлари аллақандай ёқимли нур билан чарақлаб турадиган, вужудидан куч-ғайрат ёғилиб турган йигитнинг ёши 30ларда. Ангор туманининг охири чўллару қум-бархатлари билан туташиб кетадиган Таллиморон қишлоғида яшайди. Сунгги икки йил ичида унинг уч асари чоп этилган. «Ўзанбий авлодлари» романи — «Ўзбекистон», «Ҳалокат жари» романи — «Ёзувчи» нашриётларида чоп этилган. Бу асарлар ҳақида Абдуқаҳҳор Иброҳимов, Абдуғофир Расулов, Умарали Норматовлар яхши фикр айтишган. Худо хоҳласа, яна кўп фикрлар айтилади. Маънавий гўзаллик эътиборсиз қолмайди.

Намоз Эргашев билан ҳовлисида учрашдик. Макка эккан экан. Оралаб юрибди. Хаёли паришон, ўйчан. Орамизда тахминан мана бундай суҳбат ҳам бўлиб ўтди:

— Учинчи роман ҳақида ўйлаётганга ўхшайсиз, — ҳазил оҳангида сурайман.

— Учинчи романимни «Ёзувчи»га топширганман. — Яна ўйчан ҳолатда эди Намозбой.

— Қабул қилишдими?

— Ҳурсандчилик билан.

— Демак, тўртинчиси ҳақида ўйлаяпсиз, шундайми?

— Йўқ, уни ёза бошладим.

— Жуда тез ёзар экансиз.

— Нега? Бальзак 30 ёшида 30 та роман ёзган эди-ку.

— Чоп эттириш қийин бўлмаяптими?

СУРХОН

— Вилоятимиз ҳокими ёрдам беряптилар.

— Жура Норалиевнинг ўзларими?

— Аввал қулёзмаларни ўқияптилар, маъқул бўлса, ёрдам уюштиряптилар.

— Сизга омад тилаймиз.

— Кўпроқ қоғоз тиласангиз яна ҳам яхши бўларди.

Кулиша-кулиша хайрлашдик.

Маънавият ҳокиму ҳокимиятлар ҳимоясида экан, демакки, Намоз Эргашевдек истеъдодлар яна ҳам кўплаб етишиб чиқаверади.

МАКТАБЛАРДА МИЛЛИЙ МУЗЕЙЛАР

Маънавиятнинг асос-асоси, уқ томирини қадриятлар белгилайди. Қадриятлар бойлиги — миллат бойлиги, деб бежиз айтмайдилар. Шунинг учун ҳам ҳурматли юртбошимиз «Маънавият ва инсонийликни қайта таклаш халқларнинг маданий меъросига эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш, ноёб тарихий ёдгорликларни сақлаш ва таъмирлаш, узбек халқи яратган миллий бойлик бўлган санъат асарларини излаб топиш... муҳим вазифаларимиздан биридир» дея қайта-қайта таъкидлаяптилар. Тарихий қадриятларни ўрганиш, билиш, авайлаб-асраб келажак авлодларга етказиш, уларни тарғиб қилиш орқали ёш авлодларда бой ўтмишимизга муҳаббат, фахрланиш ҳиссини тарбиялаш, шукрлар бўлсинки, умуммиллат ҳаракатига айланиб бораяпти. Хусусан, бу ҳолат Сурхондарёда авж олган. Бу ҳудудда 350 дан ортиқ гоҳ очиқ, гоҳ ёпиқ ҳолатда бўлган археологик ва бир неча юздан ортиқ тарихий ёдгорликлар, зиёратгоҳлар мавжуд. Миллатнинг салкам 3 минг йиллик тарихи «Болаларим, мени қачон ўрганасизлар, ҳеч кимга айтмаган сиримни сизларга тезроқ айтмоқчиман, қачон ёнимга келасизлар» деб бетоқат кутаётгандек. Хайрият, бу ҳаракат мактабларимизда ҳам бошланиб кетди. Сурхондарёнинг 38 та мактабида бой музейлар ташкил этилибди. «Миллий музей» деб мақом берибдилар.

Шаҳардаги 12-мактабнинг мўъжазгина музейидамиз. Тарихчи Адолатхон опа бошчилигида ўқувчилардан Санжар, Сирожиддин, Дилноза сингари фидойи йигит-қизларимиз томо-

1

2

3

«Пахта — 97»

ҚИЗЛАРГУЛ БРИГАДАСИ ЗАФАРИ

Қорақалпоғистон Республикасининг Хўжайли туманидан хушхабар келди. Бу ердаги «Найман» жамоа хўжалигининг Қизларгул Жуманиёзова бошлиқ бригадаси пахта сотиш маррасини илғорлар қаторида эгаллади.

Пахта теримининг яхши ташкил қилинганлиги, унда қатнашаётганлар учун тегишли шароитларнинг яратилганлиги, теримчиларни моддий рағбатлантиришга катта эътибор берилаётганлиги ўз самарасини берди. Мамлакатимизнинг шимолий минтақаси мураккаб шароитларида пахта етиштириш сирларини пухта эгаллаган Қизларгул бригадаси 30 сентябрь куни дастлабки довондан ошди, 73 гектар ернинг ҳар гектаридан 30 центнердан ҳосил олиб, шартномада белгиланган 220 тоннали маррага етди. Ушбу меҳнат муваффақиятига моҳир теримчилар Ҳожигул Йўлдошева, Бибироба Болтабоева, Сапаргул Халиллаева, тажрибали механизаторлар Рустам Олломберганов, Ўрозбой Ўтемуродов ва бошқаларнинг ҳиссаси салмоқли бўлди.

Далаларда ҳали ҳосил кўп, об-ҳаво қулай келди, одамларнинг кайфияти эса жуда яхши. Шуларни ҳисобга олиб, Қизларгул раҳбарлик қилаётган бригада аъзолари яна 66 тонна сара саноат хом ашёсини, қор-ёмғирга қолдирмай, йиғиб-териб олишга қарор қилдилар.

Омад сизга доим ёр бўлсин, қўли гул пахтакорлар!

С. ШЕРАЛИЕВ.



ЯЛЛО, ЯЛЛО ҚИЗГИНА, ЖАМАЛАГИ ТИЛЛО ҚИЗГИНА.

Абдувоҳид ТЎРАЕВ олган сурат.

Таълим ва ислоҳот

АМАЛИЁТГА КЎЧГАН ТАДБИРЛАР

Мамлакатимизнинг истиқлол йўлидаги биринчи қадамлариданоқ таълим-тарбия тизимининг миллий заминини мустаҳкамлаш, жаҳон андозалари ва кўникмалари даражасига кўтариш, баркамол авлодни тарбиялаб етиштириш, замонавий мутахассис кадрларни тайёрлаш масалаларига алоҳида аҳамият берилмоқда. Бу муаммоларни ҳал этиш биринчи навбатда ўқитувчи ва мураббийларга, уларнинг билим савияси ва педагогик маҳоратига боғлиқ эканлиги равшан.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1996 йил 26-27 декабрь кунлари бўлиб ўтган еттинчи сессиясида қабул қилинган ҳар йили 1 октябрни «Ўқитувчи ва мураббийлар куни» деб белгилаш, ҳамда уни байрам (дам олиш) куни, деб ҳисоблаш тўғрисидаги Қонуни ўқитувчилар ва мураббийларнинг жамиятимизда тутган муносиб ўрнини юқори баҳолаш ва уларга кўрсатилган ғамхўрликнинг яққол намунасидир. Шу муносабат билан Ўзбекистон Президенти И. Каримовнинг шу йили 25 сентябрда эълон қилинган «Республика халқ таълими тизимида ўрнак кўрсатган ходимлардан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги Фармони ўқитувчилар ва мураббийлар меҳнатини эъзозлашнинг яна бир нами бўлди ва республикамизда фаолият кўрсатаётган ярим миллионга яқин ўқитувчилар ва мураббийларнинг руҳини янада кўтариб юборди.

«Таълим тўғрисида»ги Қонунни, «Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастур»ни ҳаётга тадбиқ этиш энг аввало ўқитувчиларга, уларнинг замонавий билим савиясига, педагогик маҳоратига боғлиқ.

Институтда алоҳида эътибор ўзбек тилида дарсликлар, ўқув қўлланмалари яратилишига қаратилган. Энг тажрибали ўқитувчиларга барча шароитлар яратилиб, ўқитиладиган фанлар бўйича аста-секинлик билан зарур ўқув-услубий материаллар тайёрланяпти.

Тайёрланадиган кадрларнинг сифатини яхшилаш бўйича ўқув режалари, дастурлар қайта кўриб чиқиляпти, ўқув-услубий адабиётлар билан таъминлаш даражасини доимо таҳлил қилиб зарур тадбирлар кўрилмоқда. Талабалар билимини аниқлашнинг рейтинг тизими кундузги бўлимда ҳам, сиртқи бўлимда ҳам тўлалигича жорий қилинди.

Зокир ЙЎЛДОШЕВ,
Тошкент Молия институтининг проректори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқ таълими ходими, профессор.

ШАЙТОН ҚУТҚУСИГА УЧРАГАНЛАР

Ота-боболаримиз азалдан мусулмончилик расм-русмларига қаттиқ амал қилиб ҳалол-покиза умр кечирганлар. Омонатга хиёнат қилиш нималигини халқимиз хаёлига ҳам келтирмаган, ундан хазар қилган. Дарҳақиқат, собиқ мустабид тузум даврида халқимизнинг маънавияти бироз сустлашди. Аждодларимиз улуғлаб келган муқаддас удумлардан батамом йироқлашган ёки улардан мутлақо бехабар кимсалар тубанликка юз тутдилар. Мана энди улар бировнинг молига кўз олайтиришдан ҳазар қилмайдиган, нафсини қондирмоқ учун ҳар қандай разилликдан ҳам қайтмайдиган даражага бориб қолдилар. Умуман, ҳар қандай жиноятнинг замирига теран назар ташлар экансиз, унинг моҳиятида маънавиятсизлик ётганини кўрасиз.

Ҳаётий далилларга мурожаат этайлик. 1939 йилда туғилган Сунсур Алиев исмли киши илгари ҳам жиноят қилиб, тегишли жазо муддатини ўтаб келган бўлсада, ўзига зарур хулоса чиқариб олмаган. У Ургут шаҳридаги Янги бозор ёймасида бир аёлнинг рўзғор халтасини олмос билан кесиб, 700 сўм пулини олади. Аммо у «ўлжа»сини «ҳазм»қилиб улгурмасдан ҳуқуқ-тартибот ходимларининг қўлига тушган. Ачинарли жиҳати шундаки, маънавиятсизлик айрим ёшларга хос иллатга айланаётгани боис, улар ўртасида ҳам турли кўринишдаги жиноятлар содир этилмоқда.

Раупов Шодиёр ва Эргашев Шералилар 1979 йилда туғилган ўспиринлар. Эндигина ҳаёт остонасида турган бу азаматлар учун ҳаммаси ҳали олдинда эди. Аммо биргина қалтис ҳаракат билан барчасини барбод қилиб, елга совурдилар. Бировга тегишли мотоциклни олиб қочишгандан сўнг бу жиноят натижаси ҳал бўлмасдан туриб, Раупов Шодиёр иккинчи бир жиноятни содир этади. Кеч соат ўн бирларда Ургут шаҳар, Гулистон маҳалласидаги Носиров Салоҳиддиннинг уйига ўғринча кириб, «Шиваки» русумидаги япон видеомагнитофони ва уч жуфт пайпоқни ўмариб кетди. Бу шахс ғайриқонуний қилмишлари учун олти ярим йилга озодликдан маҳрум этилди.

Маҳмуджон Назаров дегани отасидан эрта жудо бўлган. Онаси эса боласини қаровсиз ташлаб, унинг тарбияси, моддий таъминоти билан шуғулланмаган. Соғлом тарбиявий муҳитнинг йўқлиги, маънавий қадриятлардан тамоман бегона бир шароитда ўсиб-улғайгани учун Маҳмуджон тез орада ўзига «муносиб касб» — киссавурликни танлайди. У 1996 йил 3 август куни Каттақўрғон шаҳридан Ургут шаҳрига келиб, Янги бозор ёймасида савдо қилаётган Холматов Холиқ исмли фуқаронинг чўнтагидан 1100 сўм пулни ҳуфёна ўғирлаб олади. Аммо у бу сафар жазодан қочиб қутулолмади.

Ҳар кимки ёмон бўлса, жазо топқусидир!

Аёлларни ҳаётимиз гулшанининг муаттар гуллари деб эъзозлаймиз. Дарҳақиқат, шундай. Лекин афсуски, гоҳи-гоҳида оналик, аёллик номига доғ тушириб, ўзини ҳам, оиласини ҳам маломатга қолдирганлар учраб қолар экан.

1972 йилда туғилган, олий маълумотли К. С. исмли аёл Ургут туманидаги ўзбек-турк Андалу тижорат лицейида котиба лавозимида ишлаб юрган. 1996 йил 22 январь куни лицей мудирининг иш кабинетига ўғринча кириб, у ерда темир сандиқда сақланаётган 1700 АҚШ долларини олиб, ўзи яшайдиган ётоқхона ювиниш хонасига, ғиштлар орасига яшириб қўяди. Бу аёл ғайриинсоний қилмиши учун қонунда белгиланган тартибда жазога тортилди.

Асли қашқадарёлик бўлган Б. Ж. исмли аёл Ургут шаҳрининг Янги бозор ёймасида Ҳамроқулов Асрор исмли фуқарога тегишли 1425 сўмлик 19 метр кийимлик матони машинага юклаб, йўлга равона бўлмоқчи бўлганида қўлга олинган.

Эҳтимол кимдир, бу аёллар муҳтожлик, моддий етишмовчилик сабаб шундай жиноятларга қўл ургандир, деб хаёл қилиши мумкин. Эҳтиёжмандлик, муҳтожлик ҳаммада ҳам бўлиши мумкин. Аммо ҳар ким ўз эҳтиёжини, моддий талабини қонуний асосда қондирмоғи лозим. Мамлакатимиз бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтиши билан фуқароларнинг эркин ижтимоий-иқтисодий фаолият юритиши учун барча шароитлар яратилди. Турли мулк шаклларига эгаликни таъминловчи кўпдан-кўп қонунлар қабул қилинди. Бугунги кунда ўз эҳтиёж ва талабларини қонуний асосда — тадбиркорлик, ишбилармонлик йўли билан қондириш саъй-ҳаракатини қилаётган юртдошларимиз бу борада анчамунча яхши натижаларга эришмоқдалар. Бундан ташқари, Ўзбекистон ҳукумати мустақиллик йўлига қадам қўйганимиздан буён эҳтиёжманд, муҳтож кишиларга муттасил ёрдам кўрсатиб келмоқда. Хуллас, бизда эҳтиёжни, муҳтожликни қонуний асосда қондириш йўллари кўп. Шу боис, жиноятга қўл урган боягидек аёлларнинг хатти-ҳаракатларини ҳеч оқлаб бўлмайди.

Мустақиллик даврида шўро замонидаги камчиликларга барҳам бериш, инсонларнинг миллий ва умуминсоний ғоялар асосида яшашга даъват этишга киришилди. Янги жамиятни шакллантириш ишида маънавият муҳим омил тусини олди. Бу ҳолдан барчамиз мамнунлик туйяпмиз. Энди аён бўлмоқдаки, халқимиз маънавияти қанчалик юксалса, жамият ҳаёти шу қадар соғломлашади ва инсонийлашади, кўнгилсиз ҳодисаларга, жиноятчиликка ўрин ҳам қолмайди.

Шавкат ЮСУПОВ,
Ургут туман суди судьяси.

нидан ташкил қилинган. Муборак бўлсин! Қизиқ бир ҳолат: Санжар XIV асрга оид синиқ бир кўзачани тепалик остидан машаққат билан топганда қандай ҳолатга тушдийкан? Нималарни ўйлади экан? Сирожиддин синиқ бир қилич парчасини ҳовлиққанича музейга олиб келаётганда шаҳарнинг бошига тушган оғир кунларни, юнон босқини-ю, мўғул қирғинларини ўйламади дейсизми? Қўлидаги қилич синиб ерга тушгунча шу юрт озодлиги учун олишган паҳлавон бобо-ю, бобокалонларининг қиёфасини кўз олдига келтирмади дейсизми? Аслида Ватанни севиш, унинг ўтмиши билан фахрланиш туйғуси ана шу ҳолатда шаклланади. Бу бор гап.

Худойберди ТЎХТАБОЕВ,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси

ТЎЛҚИНЛАРИ

БУТУН ВИЛОЯТ — ҚУРИЛИШ МАЙДОНИ

Қурилиш, газлаштириш, маиший хизмат кўрсатиш нуқталарини қўпайтириш шу ҳудудда яшаб турган 1 миллион 633 минг аҳолининг армони экан, энди бу армон ҳақиқатга айланиб, шоён орзулари ушала бошлабди. Биз бўлган етти туманнинг ҳаммасида қуриш, қурилиш сўзлари оғиздан тушмай қолибди. Кексалар фотиҳа ўқиганда ҳам «Илоё, туманимизга келаётган газ қувурлари яна ҳам мўл бўлсин» деб дуо қиладиган бўлибдилар. Қизларга совчи келганда оналар бўлажак қуёвининг иморати оқ ғиштданми, қизил ғиштданми деб сўрар экан. Қизлар ҳам ёр-ёр айтганда ўз орзуларига қўшиб:

Пахса уйга бормайман,
Ғиштли иморат бўлсин,
Остонаси оқ мармар,
Ҳузур-ҳаловат бўлсин.

Ҳам ваннаси, гази бор,
Ҳовлисида боғ бўлсин.
Хоналарда ҳеч ўчмас,
Биллурдан чироқ бўлсин.

Газли қозон соз экан,
Меҳнати ҳам оз экан,
Янги келин тушганда,
Ҳуснига пардоз экан.

Келин тайёр кетишга,
«Некса» машина келсин.
Шартни бажариб куёв,
Келиннинг қошина келсин.

— дея ашула айтадиган бўлибдилар. Автобусда кетатуриб Ҳожар опа Раҳмонқул қизидан йўл-йўлакай ёзиб олганимиз ушбу ашулани эҳтимол якка тартибда ёки жамоа йўли билан қурилиш авж олган Қумқўрғон ёки иқтисоди жадал ўсиб бораётган Жарқўрғон туманининг қизлари тўқигандир. Қандай бўлганда ҳам мазмунли ва чиройли яшашга, маиший турмуш яна ҳам гўзалроқ бўлишига интилаётган ёшларнинг аъло кайфияти бу. Шерободда янги мактаб қурилиши авж олса, Қизириқда гузар тикланиши, Олтинсой туманида касалхоналарни таъмирлаш авж олиб кетибди. Миллатнинг уйғонганлиги, ўзини англай бошлаганлиги белгиси бу. 1996 йилги вилоятдаги қурилишларга 5 миллиард сўм, жорий йилнинг тўққиз ойида 4 миллиард сўм маблағ сарфланган.

Демак, юртнинг қиёфаси ўзгаряпти. Гўзаллашяпти.

ҲАР КУНИ БИР КАШФИЁТ

Баъзан кишида шундай бир ҳолат бўладики, чексиз қувонч кўксига сиғмай қолади. Ҳайқиргиси, қувонч тўлқинларини оламга ёйгиси келади. Вилоят фан-техника марказининг раҳбари Абдихалил Мелиқуловни ана шундай кутаринки бир кайфиятда учратдик.

— Энг аввало мустақиллигимизга шукроналар айтиб олай, — тўлқинланиб гапирди у, — мустақил бўлмаганимизда бизнинг олис вилоятимизда фан-техника маркази очилармиди? Эй, шоир эмасман-да...

— Шоир бўлганингизда-чи?

— Достон ёзардим...

— Кашфиётларингиз ҳам достондан кам эмас, ўшалардан сўзланг.

— Айтаман, ҳаммасини айтсам дафтарингизга сиғмай ҳам қолади. Олиму, муҳандису, барча мутахассисларимиз оёққа турган, ғайрат отига минган. Мана, пардозли ғишт чиқаряпмиз, Самарқанду Олмалиқникидан ҳеч қолишмайди, сифати юқорироқ.

— Яна?

— Мармар заводини ишга туширдик.

— Яна?

— Азот маъданига туйинган бентонит кони очилди. Ўзимиз очдик.

— Яна?

— Очиқ турдаги фосфарит кони ишга тушай деб турибди.

— Яна?

— Ёпилган нефть қудуқларидан йод ола бошладик. Йод ола бошладик деяпман! Қудуқлар ишга тушса, 20 тоннагача йод олишимиз мумкин.

— 20 тонна, янглишмадингизми? — деб сўраймиз.

— Худо хоҳласа, бизда ҳавоий рақамлар бўлмайди, — ҳаяжон билан сўзлашда давом этади Абдухалил.

Фан-техника марказида қилинаётган ишлар беқиёс. Ҳаммасини дафтарга туширамиз десак, Абдухалил айтганидек, дафтарлар ҳам етишмай қолиши мумкин.

АЛ-ҲАКИМ АТ-ТЕРМИЗИЙ ҲАЗРАТЛАРИНИНГ ДУОСИ

Сурхондарё — дунё илм-фанига, Ислом маданияти ва тараққиётига буюк улуш қўшган муқаддас диёр. Унинг ҳар бир қарич ерида, кўкариб турган ҳар бир дарахтида буюклар руҳи бор. Олимлар ҳисобича, бу муқаддас заминда Термизий номи билан 44та буюк алломa яшаб ўтган. Ҳар бири нафақат туркий халқлар, балки жаҳоннинг бошқа халқларининг ҳам руҳий ва маънавий оламини бойитишга, иймон, эътиқодларининг мукаммал бўлишига ҳисса қўшганлар. Даста-даста китоблар ёзганлар.

Вилоят ҳокимияти ана шу буюкларимизни ўрганиш, қабрларини обод қилиш, нодир асарларини чоп этиш хусусида махсус қарор қабул қилган, бажаришни «Олтин мерос»нинг вилоят бўлимига юкланган.

